



КРАУДФАНДИНГ ПЛАТФОРМАСИДА АЁЛЛАР ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бозорова Сахобат Абдужаппаровна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
докторанти и.ф.н., доцент

doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a33

Аннотация. Мақолада Краудфандинг платформасида аёллар инсон капиталини ривожланишининг асосий йўналишлари келтирилган бўлиб, шунингдек краудфандинг платформаси орқали муваффақиятли молиялаштирилган лойиҳаларнинг гендер жиҳати, Ўзбекистонда ҳақ тўланадиган меҳнат фаолиятида гендер тенглик, иш ҳақи тўлашдаги гендер тафовутлар, мамлакатларнинг индекс кўрсаткичлари берилган.

Калит сўзлар: краудфандинг, платформа, инсон капитали, аёллар инсон капитали, гендр тенглик, инсон потенциали, саломатлик, таълим, турмуш даражаси.

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ЖЕНСКОГО ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА НА ПЛАТФОРМЕ КРАУДФАНДИНГ

Бозоровой Сахобат Абдужаппаровна -
Ташкентский государственный экономический
университет, PhD

Аннотация. В статье представлены основные направления развития женского человеческого капитала на краудфандинговой платформе, а также гендерный аспект проектов, успешно финансируемых через краудфандинговую платформу, гендерное равенство в оплачиваемой работе в Узбекистане, гендерные различия в оплате труда, индексные показатели стран.

Ключевые слова: краудфандинг, платформа, человеческий капитал, женский человеческий капитал, гендерное равенство, человеческий потенциал, здоровье, образование, уровень жизни

MAIN DIRECTIONS FOR THE DEVELOPMENT OF WOMEN'S HUMAN CAPITAL ON THE PLATFORM

Bozorova Sakhobat Abdujapparovna -
Tashkent State University of Economics, PhD

Annotation. The article presents the main directions for the development of female human capital on the crowdfunding platform, as well as the gender aspect of projects successfully funded through the crowdfunding platform, gender equality in paid work in Uzbekistan, gender differences in wages, index indicators of countries.

Keywords: crowdfunding, platform, human capital, female human capital, gender equality, human potential, health, education, standard of living.

Кириш. Рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг асосий масалаларидан бири инновацион лойиҳаларни амалга оширишни молиявий қўллаб-қувватлашдир. Бир томондан, бундай лойиҳаларни молиялаштириш механизмлари ўзгариб бормоқда, иккинчи томондан, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун анъанавий молиявий воситалар бера олмайдиган катта миқдордаги молиявий ресурслар талаб этилади. Краудфандинг рақамли иқтисодиётнинг инновацион лойиҳалари учун маблағ тўплашнинг замонавий воситаларидан бирига айланган бўлиб, бозорда машхур бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда Инсон потенциалини ривожлантириш индекси мамлакатда инсон тараққиётида эришилган ютуқ ва натижаларни ўлчаш учун урта асосий йўналишни кўриб чиқади.

Биринчиси, инсонларнинг умр кўриш давомийлиги бўлиб, бу мамлакатда узоқ ва соғлом ҳаётни таъминлайдиган етарли тиббий хизматларнинг мавжуд ёки аксинча эканлигини ифо-

далайди. Инсон потенциалини ривожлантириш индексида ўлчанадиган иккинчи ўлчов, инсонларнинг саводхонлик даражаси. Бу катталарнинг саводхонлик даражаси (бошланғич, ўрта, олий ва ҳ.к.) ва мажбурий таълим муддати кўрсаткичлари билан ўлчанади. Учинчи ўлчов – бу мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси яъни даромадларидир. Ушбу ўлчов АҚШ долларида харид қобилияти паритетини ҳисобга олган ҳолда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот билан ўлчанади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Инновацион лойиҳаларни молиялаштириш муаммолари хорижлик олимлардан Г.Менш, П.Друкер, Э.Мэндсфилд, Д.Рикардо, Ф.Фридмен, Л.Гохберга, М.Хол, К.О.Гончар, И.В.Наумов, Ж.К.Омонов, М.Ю.Поповлар, краудфандинг тushunchasi, унинг турлари ва вазифалари, краудфандингнинг ривожланиш динамикаси, аёллар инсон капиталини ривожланишида краудфандинг платформаси имкониятлари, хорижий

краудфандинг платформалари фаолиятининг тахлили каби тадқиқотлар И.Молик (Mollick E.), Д.Хай. (Hui J.), М.Гренберг (Greenberg M.), Э.Гербер (Gerber E.), Т.Эйлора (Eilon T.), Р.Шакер (Shaker R.)лар томонидан ўрганилган.

Ю.А. Корчагиннинг фикрига кўра, инсон капитали назарияси институционал назария, неоклассик назария, неокейнсчилик ва бошқа хусусий иқтисодий назарияларнинг ютуқларига асосланади [1].

Тадқиқот шуни кўрсатадики, агар аёллар ўзларининг инсон капитали сифатига қараб иш ҳақи олсалар, аёлларнинг даромадлари эркакларникидан 10% га ошади. Дарҳақиқат, Россияда аёллар, олий маълумотга эга бўлишларига қарамай, эркакларникига қараганда ўртача учдан бир қисм камроқ олишади (расм). Юқоридаги диаграммадан кўришиб турибдики, Россияда менежерлардан тортиб ишчиларгача бўлган барча тоифадаги ходимлар учун аёлларнинг иш ҳақи даражаси эркакларникидан сезиларли даражада орқада [2].

З.А.Хоткина З.А. Албатта, таълим – аёлларнинг мартабалари қурилган асосий пойдевор. Жаҳон расмий таълим статистикаси шуни кўрсатадики, қизлар ва аёллар эркакларга қараганда юқори касбий таълимга эришишга кўпроқ йўналтирилган. Натижада, ишлайдиган аёлларнинг таълим даражаси ишлайдиган эркакларникидан юқори эканлигини кўриш мумкин [3].

Россиялик аёлларнинг инсон капиталининг юқори сифати сўнгги йиллардаги жаҳон рейтингларида ҳам ўз аксини топди. Grant Thornton International халқаро ташкилотининг маълумотларида қайд этилишича, Россия бир неча йил кетма-кет ишбилармон аёллар сони бўйича жаҳон етакчилигини ишончли ушлаб турибди. Шундай қилиб, бу эрда 2014–2015 йиллар Бош директорларнинг 43 % аёллардир, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткич, бу глобал ўртача кўрсаткичдан деярли икки баравар кўп. 2016 йил ҳисобот маълумотларига кўра, тадбиркор аёлларнинг улуши яна 4 фоизга ошди ва 2016 йилда 47 % ни ташкил этди [4].

Инсон капитали ривожланишининг умумий назариясига туб жиҳатдан янгича ёндашув биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1990-йилги Инсон тараққиёти тўғрисидаги глобал маърузасида ўз ифодасини топган ва бу инсон тараққиётининг назарий концептуал асосини яратилишига сабаб бўлди. Бу ҳақда таниқли француз иқтисодчиси, Нобель мукофотининг лауреати М.Алле “демократик ва инсонпарвар жамиятда олий мақсад ва диққат маркази давлат эмас, балки инсондир” деб таъкидлаган эди [5].

БМТ Ривожланиш дастурининг таърифи: “Инсон тараққиёти – одамларни кенгроқ

танлаш имконияти билан таъминлаш жараёнидир. Бундай танлов чексиз бўлиши ва вақт ўтиши билан ўзгариши принципиал ахамиятга эгадир. Бироқ ривожланишнинг барча даражаларида узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, билим эгаллаш ва муносиб турмуш кечириш учун зарур бўлган ресурслардан фойдаланиш имкониятлари инсон тараққиётининг асосий моҳиятидир. Агар инсонда бундай асосий танлов бўлмаса, у бошқа имкониятлардан ҳам фойдалана олмайди” [6]. Демак, аёллар инсон капиталини ривожланишида ҳам узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, билим эгаллаш ва муносиб турмуш кечириш учун зарур бўлган ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яратиш чора-тадбирларини қилиш лозим.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг маълумотномалари ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, макроиқтисодий таҳлил, гуруҳлаш, эксперимент, декомпозиция, адаптив усуллар, инновацион ва интеграцион ёндашувлар, краудфандинг платформаларининг асосий йўналишлари, халқаро тажрибалар краудфандинг платформаси орқали муваффақиятли молиялаштирилган лойиҳаларнинг гендер жиҳати апробациясидан фойдаланилди

Таҳлил ва натижалар. Краудфандинг – инновацион лойиҳа ташаббускори ва инвесторлар ўртасида воситачи вазифасини бажарадиган платформадир. Шу билан бирга, муаллифлар ва инвесторлар ўртасидаги платформага бир қатор муҳим функциялар юкланади:

1) молиявий (лойиҳа муваффақиятли бўлган тақдирда инвесторларнинг маблағларини тўплаш ва уларни эмитентга ўтказиш, лойиҳа муваффақиятсизликка учраган тақдирда маблағларни инвесторлар ўртасида тақсимлаш);

2) ҳуқуқий (жараён иштирокчилари ўртасидаги ҳуқуқий масалалар ва низоларни ҳал қилиш);

3) маркетинг (лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш);

4) таълим (краудфандинг жараёни иштирокчиларига ахборот ёрдами).

Краудфандингнинг қуйидаги асосий йўналишлари мавжуд (1-расм):


- Краудинвестинг – инвестор ўз қўллаб-қувватлаши эвазига оладиган молиявий мукофотларнинг мавжудлиги. Ёки, инвестиция қилиш - келажакда компания фаолиятида иштирок этиш, яъни акцияларни олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш ҳуқу-

қини олиш учун лойиҳани молиялаштириш. Бу орқали фойдани тақсимлаш ва корхонанинг ҳуқуқий шаклига таъсир қилади. Краудинвестингнинг учта тури ажратиб кўрсатилади:

а) Роялти модели - лойиҳанинг даромад ёки фойда улушини молиялаштириш.

б) Кредитлаш - ссуда бериш орқали молиялаштириш.

в) Акциядорлик - мулкнинг бир қисми, корхона акциялари, дивидендлар ва акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш ҳуқуқи эвазига молиялаштириш [7].



1-расм. Краудфандинг асосий йўналишлари

- Хайрия краудфандинг одатда алтруизм асосида ва лойиҳа эгасининг ҳеч қандай пулни қайтариш мажбуриятисиз амалга ошириладиган ихтиёрий ҳаракатлардир. Яъни, нотижорат лойиҳалар учун пул йиғиш (даволашда ёрдам бериш учун маблағ йиғиш ва бошқалар), ижтимоий лойиҳалар (ўйин майдончасини ободонлаштириш, мусиқа албому, филм ёзиш учун пул йиғиш ва бошқалар), сиёсий фаолият (сайлов кампанияси учун пул йиғиш), лойиҳаларнинг асосий аудиторияси ижтимоий тармоқлар орқали жалб қилинади;

- Номолиявий мукофотлар учун лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда инвесторлар учун мукофот шакли номоддий кўринишда бўлади. Бунинг қуйидаги учта тури мавжуд:

а) “Хаммаси ёки ҳеч қайси” – агар лойиҳа учун керакли маблағ йиғилса лойиҳа амалга оширилади, агар белгиланган муддатгача жами маблағ йиғилмаса пул инвесторларга қайтарилади.

б) “Барча йиғилган маблағлар қолдирилади” - бунда барча йиғилган маблағлар (комиссия тўловларидан ташқари) мақсадга эришилган ёки эришилмаганидан қатъи назар, лойиҳаларни яратувчиларга юборилади.

в) “Эркин нарх битими” – бунда инвесторлар тайёр бўлган маҳсулотлар учун (китоб, ижодий лойиҳалар каби) лойиҳаларни яратувчилар билан келишувга мувофиқ хоҳлаганча маблағ киритадилар. Тижорат лойиҳаларининг амалга

ошиши ёки оммалашиши учун молиявий ресурсларни йиғиш ҳисобланади. Яъни товарларни сотиб олиш (аслида унга олдиндан буюртма берган ҳолда) масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқалар етиштириш учун пул йиғилади ва маълум вақт ўтиб тайёр маҳсулот сотилиб олинади.

Краудфандинг қуйидаги тоифаларга бўлинади:

-краудфандинг лойиҳасининг мақсадларига кўра (бизнес-лойиҳа, ижодий, ижтимоий);

- ҳомийлар учун ҳақ тўлаш турига кўра (мукофотсиз, молиявий бўлмаган мукофот, молиявий мукофот).

Бугунги кунда аёллар инсон капиталини ривожланишига эришиш бутун жаҳон мамлакатларида долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Сўнгги йилларда краудфандинг платформаси орқали муваффақиятли молиялаштирилган энг машҳур лойиҳаларнинг 11 таси АҚШ, 2 таси Канада ва Буюк Британия, 1тадан Япония, Испания ва Германияга тўғри келади. Ушбу муваффақиятли лойиҳаларнинг 11таси эркаклар ва 7 таси аёллар улушига тўғри келади[8] (1-жадвал).

Хотин-қизларнинг инсон капиталини ривожлантиришда краудфандинг платформаси имкониятларини ўрганиш ноодатий лойиҳаларни молиялаштиришда маблағларни жалб қилиш учун қўшимча восита сифатида қаралиши мумкин. Инсон капитали сифатига гендер нуқтаи

назарини ўрганиш нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга эга, чунки у таълимни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва умуман ижтимоий-иқтисодий сиёсатда эътиборга олиниши керак бўлган муаммолар ва тенденция-

ларни кўриш имконини беради. Хотин-қизларнинг инсон капиталини ривожлантириш эса уларни ўқитиш, таълим имтиёзлари, оилаларга ёрдам бериш ва аёллар тадбиркорлигини молиялаштириш кабиларни ўз ичига олади.

1-жадвал

Краудфандинг платформаси орқали муваффақиятли молиялаштирилган лойиҳаларнинг гендер жиҳати

№	Лойиҳа номи	Лойиҳа мазмуни	Лойиҳа муаллифи	Давлат
1	Upsea	Болаларга катталар кўмагисиз йуриш имкониятини берувчи ускуналар	Эркак	АҚШ
2	Queeves	Тухум оқидан таййорланадиган соғлиққа безарар фастфуд	Аёл	АҚШ
3	Taimat	Хавотирни йўқотиш учун чой	Аёл	Япония
4	Annie the Brave	STEM-орқали яратилган либослар	Эркак	АҚШ
5	Safewander	Қасалхона ётоғидаги бемор ҳолатини кузатиш учун электрон ускуналар.	Эркак	АҚШ
6	Headwrap	Бош оғриғи ва унга боғлиқ оғриқларни енгиллаштирувчи бош кийими	Аёл	АҚШ
7	Softwheel	Ҳавфни огоҳлантирувчи ногиронлар аравачаси	Эркак	АҚШ
8	Ostom-i Alert Sensor	Беморларнинг соғлиғи ҳолатини аниқлаш учун ақлли тиббий остомия сумкаси	Эркак	Буюк Британия
9	Snappy Snack	Спортчилар соғлиғи учун фойдали фастфуд	Эркак	АҚШ
10	Mositea	Чой дамлаш қурилмаси	Аёл	АҚШ
11	LADIÖNE	Терини органик парваришлаш ускунаси	Аёл	АҚШ
12	Mercurial Consciosness	Ўсимлик асосидаги терини парвариш қилиш маҳсулоти.	Аёл	АҚШ
13	Angel Guard	Болалар учун инновацион хавфсизлик камарлари	Эркак	АҚШ
14	Odisei Music	Исталган вақтда ва жойда машқ қилиш учун электрон саксафон асбоби.	Аёл	Испания
15	Smart Garden	Ақлли боғдорчилик	Эркак	Германия
16	Dymedso	Рақамли бошқариладиган акустик ҳаво йўлларини тозалаш мосламаси.	Эркак	Канада
17	The soap butler	Қайта ишланган парчалардан фойдаланиб совун ишлаб чиқарувчи қурилма	Эркак	Канада
18	Hannah's Pantry	Ширинликни севувчилар учун шакарсиз торт рецепти	Эркак	Буюк Британия

Маълумки, лойиҳа муаллифлари ўзлари ишлаб чиққан инновацион ғоялар учун бир нечта молиялаштириш ва оммалаштириш йўлларини излаб кўрадilar. Лойиҳа муаллифлари тадбиркор бўлиш орқали ўзлари ишлаб чиққан маҳсулотларини бозорда тижоратлаштирувчиларни танлашлари мумкин. Инсонларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши, ўзини ўзи банд қилиш чораларини қўллаши учун кўплаб омиллар таъсир этади[9].

Инвестиция борасида қарор қабул қилинганда, инвестор келажакда кўпроқ даромад олиш илинжида, бугунги кунда ҳаражатлар қилади. Табиийки, инвестициядан олинadиган даромадда ўзига яраша риск даражаси ҳам бор (чунки ҳеч ким келажак даврни аниқ айтиб бера олмайди), аммо улар келажакда олинadиган даромад эканлигини ҳисобга олсак, улар иқтисодий жиҳатдан қулай даврга тўғри келиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам инвестор ҳозирги кунда қилмоқчи бўлган инвестициясининг қийматини келажакда олиши мумкин бўлган даромади билан солиштириб кўриши керак. Инсон

капиталига инвестиция, яъни унинг билимлари, таълим олиши ёки бизнес ғоялари учун тикилган маблағлар, албатта келажакда кутиладиган даромадлар юқори, бугунги кундаги ҳаражатлар кам бўлган пайти амалга ошириладиган инвестиция тури ҳисобланади.

Худди бошқа инвестициялар сингари, инсон капиталига инвестициялар келажакда фойда олиш умидида бугунги кунда қилинадиган ҳаражатлардир. Умуман олганда, биз инсон капиталига қилинадиган инвестициялар билан боғлиқ ҳаражатларни уч категорияга бўлишимиз мумкин:

1. Тўғридан тўғри ҳаражат: бу таълимга қилинган инвестициялар ва китоб ёки бошқа материалларни ўз ичига олади.

2. Йўқотилган инвестициялар, яъни инсон ўқиш давомида меҳнат бозорида иштирок эта олмайди (ҳеч бўлмаганда тўлиқ ставка асосида).

3. Физик йўқотишлар – бу ўрганиш жараёни қийин ёки зерикарли эканлигидан келиб чиқади. Ишчилар томонидан таълим ва тренингларга инвестиция қилинганда, кутиладиган

даромад бундан юқориқ даромад шаклида бўлиб, бундан ташқари у ишчилар учун иш давомида кўпроқ завқ бағишлаши тушунилади.

Гендер тенглигини таъминлаш ва аёллар инсон капиталини қўллаш мамлакат фаровонлигини ошириши бир неча бор исботланган. Аёллар кўпинча микро ва кичик корхоналар эгалари ёки ходимлари сифатида қолмоқдалар. Иш билан таъминлашнинг бундай тўсиқлари ривожланмаган давлат ва хусусий секторлар билан чекланган ҳудудларга тўғри келади.

Аёллар микрокорхонада тажриба орттиргандан сўнг, улар савдо ва савдони ривожлантиришга ҳисса қўшиш имкониятларини кенгайтирдилар. Тўсиқларни йўқотиш учун бизнес қуришга ва ҳаётий соҳаларда иштирок этишга ҳаракат қилаётган ночор аёллар дуч келадиган муаммоларни енгиб ўтишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, бир хил ёш, таълим ва иш шароитлари ҳолатида ҳам аёлларнинг ўртача даромади эркекларникига нисбатан камроқ бўлади ва бундан ташқари, аёлларнинг даромади ҳам таълим даражаси ошиши каби секинроқ ўсади. Аёллар ва эркекларнинг инсон капиталига инвестиция қилишининг асосий омили тарихан меҳнат фаолиятининг узунлиги билан боғлиқ. Сўнгги йилларда аёлларнинг ҳам меҳнат бозорида фаоллиги жуда тез ўсиб бормоқда. Шунга қарамасдан, аёллар меҳнат бозорида эркекларга нисбатан камроқ фаол бўладилар ва ишласалар ҳам кам эҳтимоллик билан тўлиқ ставкали ишга жойлашадилар.

Бунинг устига, тўлиқ ставка асосида ишлаётган аёллар ҳам эркекларга нисбатан камроқ соат ўтириб ишлашади. Гарчи аёллар ва эркеклар иш ҳақи ўртасида фарқ кузатилса-да, бу уларнинг тренинглардан бир хил даражада билим олмасликларини аниқламайди. Аёлларнинг меҳнат фаолияти эркекларникига нисбатан қисқароқ давом этганлиги кўпроқ аёлларнинг бо-


лани тарбиялашдаги ва уй хўжалигидаги тарихий роли билан боғлиқ. Меҳнат бозоридаги катта ўзгаришларга қарамасдан, бундай анъанавий рол кўплаб аёлларнинг фарзанд тарбияси учун бир неча йил давомида меҳнат бозорида ўз меҳнатини таклиф қилмаслигига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам, одатда, аёл ишчиларнинг меҳнат фаолияти эркек ишчиларнинг меҳнат фаолияти каби узлуксиз давом этмайди. Шу сабабли ҳам инсон капиталини риқожлантиришга инвестиция киритувчилар аёллар учун инвестиция қилишларини маъқул кўрмайдилар.

Жаҳон банки статистикаси таҳлили маълумотлари шуни кўрсатадики, мамлакат аҳолида аёллар улуши кўп бўлган мамлакатларда аёллар меҳнат бозорида банд бўлмаса ва фойда келтирмаса бу ҳолат иқтисодий ўсишни секинлаштиради. Бундан ташқари нафақат иқтисодий инқироз балки ижтимоий ҳаётдаги таназзулларга ҳам олиб келади. Масалан, билимларни тез ўзлаштирувчи қизларни таълимдан четлаштириш, улар тарбия қиладиган фарзандларни ҳам меҳнат бозорига кириб бориш жараёнини секинлаштиради. Аммо шунга қарамасдан, мамлакатимизда ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш борасида аёллар ва эркеклар ўртасида сезиларли тафовутлар юзага келмоқда, яъни, аёлларга эркеклар иш ҳақининг учдан икки қисмидан камроқ ҳақ тўланади.

Аёллар меҳнатига ҳақ тўлашдаги тафовут ва адолатсизликка қарши курашиш бутун дунё мамлакатларидаги долзарб масала бўлиб қолмоқда. Хаттоки бир неча йиллар давомида аҳоли турмуш фаровонлиги рейтингига юқори поғоналарни эгаллаб келадиган Швейцарияда ҳам бундай гендер тенгсизлик ҳолатлари мавжуд. (2-расм).

Инсон капиталига ривожлантиришдаги гендер тенгсизликларнинг мамлакат иқтисодий ўсиши яъни Ялпи ички маҳсулоти ҳажмига таъсири қуйидари формула орқали аниқланади:



2-расм. Иш ҳақи тўлашдаги гендер тафовут

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.

Гендер фарқини ишлаб чиқиш функцияси:

$$Y = F(K, N, H, G, INF)$$

Бу ерда:

Y - даромад, K - жисмоний капитал, N - меҳнат, H - инсон капитали, G - гендер фарқи, INF - инфратузилма.

Ялпи ишлаб чиқариш функцияси доимий меҳнатни талаб қилади деб фараз қилинса:

$$Y/N = F(K/N, 1, H/N, G/N, INF/N)$$

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги формула олинади:

$$y_{pc} = F_K(I/Y) \cdot b_{KN} + b_{NH}h_{pc} + b_{CG}g_{pc} + b_{INF}inf_{pc}$$

Бу ерда:

$y_{pc} = y - n$ - ҳар бир ишчига тўғри келадиган ЯИМнинг ўсиш суръати, h_{pc} - бир ишчига

тўғри келадиган инсон капиталининг ўсиш суръати, g_{pc} - ҳар бир ишчига тўғри келадиган гендер фарқининг ўсиш суръати, inf_{pc} - ҳар бир ишчига тўғри келадиган инфратузилманинг ўсиш суръати, F_i - иқтисодиётда i киритилишига нисбатан маржинал маҳсулот, I - инвестициялар вақт давомида умумий капитал захирасининг ўзгариши сифатида аниқланади, b_j - жами ҳажмнинг j киритилишига нисбатан эгилувчанлиги, кичик ҳарфлар эса ўзгариш тезлигини билдиради.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўртача ўсишига гендер тенглик ва бошқа таъсир этувчи омилларнинг статистик модели:

$$y_{pc} = \beta_0 + \beta_1 I/Y + \beta_2 \text{malelife} + \beta_3 \text{femlife} + \beta_4 \text{lifegap} + \beta_5 \text{PGDP} + \beta_6 \text{sanit} + \beta_7 \text{pop} + \epsilon$$

Бу ерда:

y_{pc} - Ялпи ички маҳсулотнинг ўртача ўсиши

I/Y = ЯИМдаги ялпи капитал шаклланишининг улуши;

malelife = Эркакларнинг умр кўриш давомийлигининг ўртача йиллик ўсиш суръати;

femlife = Аёллар умр кўриш давомийлигининг ўртача йиллик ўсиш суръати;

lifegap = Эркаклар ва аёллар ўртача умр кўриш нисбатининг ўртача йиллик ўсиш суръати;

PGDP = Аҳоли жон бошига ЯИМ;

sanit = Яхшиланган санитария хизматларига эга бўлган умумий аҳоли улушининг ўртача йиллик ўсиш суръати;

pop = Умумий аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати.

Аёллар инсон капиталини ривожлантиришга киритиладиган инвестицияларининг уч тури фарқланади:

- таълимга, шу жумладан умумий ва махсус, расмий ва норасмий таълимга, иш жойида тайёргарликка ва малака оширишга харажатлар;

- соғлиқни сақлашга (умр кўриш давомийлиги ва меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган касалликлар профилактикаси, тиббий хизмат кўрсатиш, пархез таом, меҳнат ва турар жой шароитларининг яхшилашга) харажатлар;

- ходимларнинг меҳнат фаолияти самараси паст жойлардан самара юқорироқ жойларга миграция қилиш имкониятини берадиган мобилликка харажатлар.

Авваламбор, Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг Тараққиёт Дастурига кўра ҳар бир мамлакат ҳақида маълумотлар мавжуд бўлганда, унга асосланиб ўлчов кўрсаткичлари (минимал ва максимал) ишлаб чиқилиши керак. Ҳар бир мамлакат стандартга кўра учта кўрсаткич учун қуйидаги балларни олиши мумкин (2-жадвал):

2-жадвал

Инсон потенциални ривожлантириш индекси ўлчовлари учун минимал ва максимал қийматлар

Ўлчовлар	Кўрсаткичлар	Минимум	Максимум
Саломатлик	Умр кўриш давомийлиги(йиллар)	20	85
Таълим	Кутилаётган мактаб йиллари	0	18
	Ўртача ўқиш йиллари	0	15
Турмуш даражаси	Аҳоли жон бошига ялпи миллий маҳсулот (ХҚП, АҚШ доллар)	100	75000

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра агар мамлакат ҳар бир ўлчов бўйича максимал даражага эга бўлса, унинг кўрсаткич даражаси 1га тенг бўлади, бу эса мамлакатнинг ривожланиш даражаси юқори эканлигини англатади. Агар аксинча мамлакатда ҳар бир ўлчов кўрсаткичи минимал қийматга тенг бўлса Инсон потенциални ривожлантириш индекси 0 га

тенг бўлади ва бу мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси қониқарсиз эканлигини ифодалайди.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса сифатида шунни айтиш мумкинки, ҳар бир ўлчов индекси учун айнан шундай қийматлар стандарт сифатида белгиланганлини лозим:

1. Ўртача умр кўриш давомийлиги учун белгиланган минимал қиймат 20 га тенг, чунки, тадқиқотларга кўра ХХ асрдан бошлаб Ер юзидаги бирон бир мамлакатда (айрим кўзда тутилмаган омиллар таъсир этмаганда) бу ёшдан пастроқ умр кўриш давомийлиги кузатилмаган (Maddison 2010; Oerppen and Vaupel 2002; Riley 2005) ва энг юқориси 85 ёшни ташкил этади.

2. Таълим соҳаси учун катта ёшлиларнинг ўқиш давомийлиги энг ками 0 ҳамда максимал чегараси 18 йилни ташкил этади, чунки айрим мамлакатларда университетни тугатиш учун сарфланадиган йиллар шунга тенг. Таълим соҳаси учун иккинчи кўрсаткич, мактабда ўқиш йилларининг давомийлигининг энг юқори кўрсаткичи дунёнинг баъзи мамлакатларида 15 йилни ташкил қилади.

3. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг харид қобилияти паритетини ҳисобга олган ҳолда энг минимал қиймати 100 АҚШ доллари, чунки инсонларнинг энг зарур яшаш харажатлари ҳисобланганда ҳам омон қолиш учун ушбу даромад миқдори зарур. Максимал қиймати эса 75000 АҚШ доллари (Kahneman and Deaton (2010)), негаки, тадқиқотлар натижасига

кўра аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи бу миқдордан ошиб кетганда ҳам инсон тараққиёти ва фаровонлигида сезиларли фарқлар кузатилмаган. Ҳозирда фақат 4та давлатда (Кувайт, Лихенштейн, Қатар ва Сингапур) аҳоли жон бошига тўғри келадиган максимал даромад 75000 АҚШ долларидан ошади.

Минимал ва максимал қийматлар ёрдамида ўлчов индексини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$D_i = \frac{A_v - Min_v}{Max_v - Min_v}$$

Бу ерда:

D_i – Ўлчов индекси

A_v – Ҳақиқий қиймат

Min_v – Минимал қиймат

Max_v – Максимал қиймат

Ушбу индексни Ўзбекистон Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида мамлакатимиздаги даражасини қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб топамиз:

$$ITI = \frac{I_{salomatlik} * I_{ta'lim} * I_{turmushdaajasi}}{3}$$

4-жадвал

Мамлакатларнинг индекс кўрсаткичига кўра бериладиган баҳо

Кўрсаткичлар	Ўлчов
Инсоннинг ривожланиши жуда юқори	0,80 ва ундан юқори
Инсоннинг ривожланиши юқори	0,70-0,79
Инсоннинг ривожланиши ўртача	0,55-0,69
Инсоннинг ривожланиши паст	0,55 ва ундан паст

Инсон тараққиёти индексининг қиймати 0 ва 1 оралиғида бўлиб, у қанчалик 1 га яқин бўлса белгиланган критерияларга кўра аҳолининг турмуш сифати шунчалик юқори, аксинча қанчалик 0 га яқин бўлса мамлакатдаги тараққиёт даражаси паст эканлигини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, инсон потенциални ривожлантириш индекси бевосита давлат

ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигининг асосий мезони сифатида кўрилади. Бошқача қилиб айтганда, давлат шунчаки ялпи ички маҳсулотни кўпайтиришга интилиб қолмасдан инсон потенциалини ривожлантириш индексида ўз ифодасини топадиган фуқаролар шу жумладан аёлларнинг ҳам турмуш сифатини ошириш чораларини кўриши керак.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Петти В. Экономические и статистические работы / В. Петти ; пер. с англ., предисл. М.Смит. – Т. I и II. М.: Соцэкгиз, 1940. – 324 с.
2. Рымашевская Н.М. ва бошқалар. Ўзгарувчан дунёда гендер стереотиплари. Мураккаб ижтимоий тадқиқотлар тажрибаси. – М.: Наука, 2009
3. Хоткина З.А. Страна умниц: гендерные аспекты карьеры. Polit.ru. [Электронный ресурс]. URL: <http://polit.ru/article/2014/08/23/career/>
4. Россия етакчи аёллар сони энг кўп бўлган давлатлар рейтингда биринчи ўринни эгаллади. Newizv.ru. [Электрон ресурс]. URL: <https://newizv.ru/news/society/28-12-2017/rossiya-vozglavila-reyting-stran-s-samym-bolshim-chislom-zhenshin-rukovoditeley>
5. Алле М. Экономика как наука / Пер. с франц. – М.: Наука для общества, РГГУ, 1995. – С.15.
6. ПРООН. Доклад о человеческом развитии за 1990 г. //http://www.undp.org.
7. Angerer, M., Niemand, T., Kraus, S., & Thies, F. Risk-reducing options in crowdinvesting: An experimental study // Journal of Small Business Strategy. 2018. – Vol. 28, is. 3. – P. 5
8. Hooman Ahvari, Amir Ekhlassi, and Joe McDonagh – “Investigating the Effect of Motives, Social Capital, and Human Capital on Commercialization of Self-Developed Products by User Innovators: A Study of a Crowdfunding Platform”. [International Journal of Innovation and Technology Management](#), 2023
9. С.В.Гриненко, И.С.Богомолова, Е.К.Задорожная – Стратегия развития экономики. «Гендерные особенности развития человеческого капитала», 2017